

**ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**НОМОЗОВ АБРОР КАРИМ ЎҒЛИ**

**ЎСИМЛИК ЭКСТРАКТИ ҲАМДА СИНТЕТИК БИРИКМАЛАР**  
**АСОСИДА КОРРОЗИЯ ИНГИБИТОРЛАРИНИ ОЛИШ**  
**ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Номозов Аброр Карим ўғли**

Ўсимлик экстракти ҳамда синтетик бирикмалар асосида  
коррозия ингибиторларини олиш технологияси.....3

**Nomozov Abror Karim o'g'li**

Technology for the production of corrosion inhibitors  
based on plant extracts and synthetic compounds.....21

**Nomozov Abror Karim o'g'li**

Технология производства ингибиторов коррозии на основе  
растительных экстрактов и синтетических соединений .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....43

**ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**НОМОЗОВ АБРОР КАРИМ ЎҒЛИ**

**ЎСИМЛИК ЭКСТРАКТИ ҲАМДА СИНТЕТИК БИРИКМАЛАР**  
**АСОСИДА КОРРОЗИЯ ИНГИБИТОРЛАРИНИ ОЛИШ**  
**ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Т2782** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.iktiti.uz](http://www.iktiti.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.


|                            |   |
|----------------------------|---|
| <b>Илмий раҳбар:</b>       | <b>Бекназаров Ҳасан Сойибназарович</b><br>техника фанлари доктори, профессор  |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Нуркулов Файзула Нурмуминович</b><br>техника фанлари доктори, профессор<br><b>Ражабов Юсуфбой Нураддин ўгли</b><br>кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>Навоний давлат қончилиқ ва технологиялар университети</b>  |

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «16» май соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111116, Тошкент тумани, Иброт МФЙ., Шуробозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, E-mail: [ooo\\_tniixt@mail.ru](mailto:ooo_tniixt@mail.ru), [TKITTI@exat.uz](mailto:TKITTI@exat.uz)).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 2023/11 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111116, Тошкент тумани, Иброт МФЙ., Шуробозор Тел.: (+99895) 144-67-83, E-mail: [ooo\\_tniixt@mail.ru](mailto:ooo_tniixt@mail.ru), [TKITTI@exat.uz](mailto:TKITTI@exat.uz)).

Диссертация автореферати 2023 йил «01» май кунин тарқатилди.

(2023 йил «01» майдаги № 2023/11 рақамли реестр баённомаси).



**Джанитов А.Т.**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., проф., академик

**Ширинов Ш.Д.**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби,  
т.ф. PhD, к.и.х.

**Нуркулов Ф.Н.**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунёда ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий қурилмаларини металл конструкциялари ташкил этади, ушбу металл конструкцияларининг коррозияга учраши натижасида келиб чиқадиган зарар бир неча юз миллиард долларни ташкил этади. Саноатдаги металл конструкцияларни коррозиядан асраш учун бугунги кунда ҳар хил коррозия ингибиторлари қўлланилиб келинмоқда. Жумаладан, табиий бирикмалар асосида олинадиган яшил ингибиторлар, таркибида азот тутган янги турдаги коррозия ингибиторларини яратиш ва ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда металллар коррозиясини олдини олиш учун “келажак коррозия ингибиторлари” деб эътироф этилаётган экологик хавфсиз, турли муҳитларда металллар коррозиясини олдини олиш учун яшил ингибиторлар олишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Металллар коррозиясини олдини олиш учун бу йўналишда самарали коррозия ингибиторларини олиш жараёнининг муқобил технологияларини ишлаб чиқиш, уларнинг ингибирлаш жараёнини ҳисобга олган ҳолда кимёвий таркибини аниқлаш ва ҳоссаларини ўрганишга ва олиш технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда маҳаллий хомашёлар ва иккиламчи бирикмалар асосида олинган коррозия ингибиторларидан турли агрессив ва сув билан совутиш ёки иситиш тизимларида металллар коррозияланишини олдини олиш борасида илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш» ва «мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш»<sup>1</sup> га йўналтирилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада металл конструкциялари коррозиясининг олдини олишда иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик жиҳатдан хавфсиз бўлган коррозия ингибиторларини ишлаб чиқариш ҳамда мавжуд технологияларни доимий равишда такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3264-сон «Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони.

вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Коррозия ингибиторларини яратиш ва уларнинг ингибирлаш хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича Сингх П, Эбенсо Э.Э, Оласунканми Л.О., Обот И.Б., Паул С., Колей И., Муравева С.А., Мельников В.Г., Эгоров В.В., Кузнецов Й.И., Казанская Г.Й., Тсирулникова Н.В., Аннанд Р.Р., Хурд Р.М., Ҳаккерман Н., Чернов В.Й., МДХ мамлакатларидан Розенфелд И.Л., Борисов Д.Н., Агафонкин А.В., Данилова Г.Н., Фархутдинова А.Р., Чепкасова О.А., Кузнецов Ю.И., Вигдорович В.И., Федотова А.И., Левашова В.И., ҳамда Ўзбекистон олимларидан Джалилов А.Т., Акбаров Х.И., Таджиходжаев З.А., Бекназаров Ҳ.С., Тиллаев Р.С., Сиганов Т.Д., Қурбанов Ф.К., Холиков А.Ж., Икрамов А., Юсупов Д., Ёдгоров Н., Қодиров Х.И., Нуриллоев З.И., Нарзуллаев А.Х., Эшмаматова Н.Б. ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Ушбу олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари, табиий манбалар, маҳаллий хомашёлар ва саноат маҳсулотлари асосида коррозия ингибиторларининг янги авлодини яратиш ҳамда уларнинг турли агрессив муҳитларда қўллашга доир назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш, шунингдек, коррозия ингибиторларини ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришга қаратилган.

Ҳозирги кунда турли агрессив муҳитларда металл конструкцияларини коррозиядан ҳимоялашда ноорганик тузлар, композитлар, композитли бирикмалар, полиэлектродитлар, ўсимлик экстрактлари, баъзи бир органик гетеробирикмалар, ва ионли суюқликларнинг кислотали ва сувли айланма тизимларда пўлат материаллари учун ингибирлаш механизмларини ўрганиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти МЧЖ нинг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Х/Ш №12-06 «Маҳаллий хом ашёлар асосида янги самарали олигомер коррозия ингибиторларини ишлаб чиқиш ва қўллаш» (2007 й.) мавзусидаги хўжалик шартномаси ҳамда А12-005 «Маҳаллий хом ашёлар асосида янги самарали коррозия ингибиторларини олиш ва уларни қўллаш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўсимлик экстракти ва моноэтанолламин, малеин ангидрид, п-фенилендиамин ҳамда кротон алдегид асосида самарали, экологик хавфсиз коррозия ингибиторларини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

*Salsola oppositifolia* ўсимлигидан олинган экстрактни яшил коррозия ингибитори сифатида қўллаш ва моноэтанолламин, малеин ангидрид, п-

фенилендиамин ҳамда кротон альдегидлар асосида коррозия ингибиторларини синтез қилишнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

синтез қилинган коррозия ингибиторларининг тузилишини ва хоссаларини замаонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида аниқлаш;

коррозия ингибиторларининг ингибирлаш самарадорлигини электрокимёвий ва гравиметрик усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш ҳамда коррозия ингибиторларнинг пўлат юзасига адсорбция изотермалари ва термодинамик жараёнларини тадқиқ қилиш;

ингибирланган ва ингибирланмаган эритмалардаги пўлат юзасини сканерловчи электрон микроскоп ҳамда атом кучи микроскопи ёрдамида ўрганиш;

коррозия тезлиги ва ҳимоялаш даражасига ҳарорат ҳамда концентрациянинг таъсирини ўрганиш орқали ингибирлаш механизминини аниқлаш;

ингибирлаш самарадорлиги юқори бўлган коррозия ингибиторларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва иқтисодий самарадорлигини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *Salsola oppositifolia* ўсимлиги экстракти, моноэтаноламин, малеин ангдирид, п-фенилендиамин ва кротон альдегид асосида олинган коррозия ингибиторлари, кислотали ҳамда сувли айланма тизимлардаги пўлат материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** коррозия ингибиторларининг ингибирлаш механизминини аниқлаш, турли концентрация ва ҳароратларда ингибирлаш самарадорлиги ҳамда ҳимоялаш даражаларини тадқиқ қилиш, шунингдек, коррозия ингибиторларини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида коррозия ингибиторларининг тузилиши ва физик кимёвий хоссаларини аниқлашда ИҚ-спектроскопия ҳамда ингибирлаш самарадорлигини аниқлашда электрокимёвий, гравиметрик, шунингдек, сирт морфологиясини ўрганишда сканерловчи электрон микроскоп ва атом куч микроскопи каби усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

*Salsola oppositifolia* ўсимлигидан олинган экстракт металлларни коррозиядан ҳимоя қилиш уқун “яшил коррозия ингибитор” сифатида қўллашнинг мақбул шароитлари аниқланган;

моноэтаноламин, малеин ангдирид, п-фенилендиамин ва кротон альдегид асосида юқори самарали ИКРК-1 ва ИКММ-1 маркали коррозия ингибиторларининг таъсир механизмлари аниқланган;

олинган коррозия ингибиторларнинг сув билан соғутиш тизимида ва турли кислотали муҳитларда металлларни коррозиядан ҳимоялаш даражаси аниқланган;

коррозия ингибиторларининг ингибирлаш механизми ва ингибирлаш самарадорлиги кинетик, термодинамик, гравиметрик ва электрокимёвий усуллар ёрдамида аниқланган;

сканерловчи электрон микроскоп ва атом куч микроскоп усуллари орқали олинган микрофотографиялар асосида ингибирланган пўлат сиртининг морфологик ўзгаришлари аниқланган;

*Salsola oppositifolia* ўсимлигидан “яшил коррозия ингибитор” ва ИКРК-1 ҳамда ИКММ-1 маркали коррозия ингибиторларини олишнинг экологик тоза технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

ўсимлик экстракти асосида яшил коррозия ингибиторини олиш ва малеин ангидриди, моноэтанолламин, п-фенилендиамин ҳамда кротон альдегидлари асосида коррозия ингибиторларини олиш технологиялари ишлаб чиқилган;

ингибирланган эритмалардаги пўлат намунаси сирт юза морфологияси сканерловчи электрон микроскоп ва атом кучи микроскопи ёрдамида таҳлил қилинганда, ингибирланмаган эритмадаги пўлат намуналарига нисбатан қавариқ ва ботик ҳамда чўққилар ўлчами кичиклиги аниқланган;

ўсимлик экстракти асосида олиган яшил коррозия ингибитори ҳамда моноэтанолламин, малеин ангидрид, п-фенилендиамин ва кротон альдегиди асосида синтез қилинган коррозия ингибиторларини сувли айланма совутиш ёки иситиш тизимларида, шунингдек, кислотали муҳитларда ингибирлаш самарадорлиги юқори эканлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** коррозия ингибиторларининг тузилиши ва ингибирлаш самарадорлиги ҳамда ингибирлаш механизми ИҚ-спектроскопия, сканерловчи электрон микроскоп, атом куч микроскопи, гравиметрик, электрохимёвий, термодинамик ва кинетик назариялар асосида ингибиторларнинг самарадорлиги аниқланганлиги, шунингдек, тажриба ва ишлаб чиқариш майдонларида ўтказилган синов натижаларининг ўзаро муносиблиги ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўсимлик экстракти асосида олинган яшил коррозия ингибитори ҳамда моноэтанолламин, малеин ангидрид, п-фенилендиамин ва кротон альдегид асосида коррозия ингибиторлари олинганлиги, уларнинг тузилиши, физик-химёвий хусусиятларининг ўзаро боғлиқлигини, шунингдек, ингибирлаш механизмининг аниқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, яшил ва синтез қилинган коррозия ингибиторларини агрессивлиги юқори бўлган турли муҳитларда ҳамда айланма сувли тизимларда пўлатни коррозиядан юқори даражада ҳимоялаб, металл конструкцияларини узок муддат давомида самарали ишлашига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўсимлик экстракти ҳамда синтетик бирикмалар асосида коррозия ингибиторларини олиш технологияси бўйича олинган илмий-амалий натижалар асосида:

синтез қилинган коррозия ингибиторини олиш технологияси «Ўзбекнефтгаз» АЖ «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ нинг “2022-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2022 йил 8 апрелдаги 107/ГК-04-сон маълумотномаси). Натижада, ички сувли айланма ва совутиш системаларида юзага келувчи коррозиядан пўлат материалларини ҳимоялаш имконини берган;

металл конструкцияларни коррозиядан химоя қилишда ишлатиладиган яшил коррозия ингибиторларини олиш технологияси «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг “2022-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган («Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2022 йил 11 майдаги 23.01.01-07/343-сон маълумотномаси). Натижада, кислотали ювишдан ҳосил бўлувчи агрессив кислотали-тузли чиқинди сувларни ўтказувчи ва сақловчи пўлат конструкцияларни коррозиядан химоялаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 9 та илмий-амалий, шу жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги анжуманларда маърузалар қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил қилади.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Турли агрессив муҳитларда коррозия ингибиторларини қўллаш соҳасидаги тадқиқотларнинг ривожланиш истиқболлари”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг **“Яшил ва синтетик коррозия ингибиторларини синтез қилиш тадқиқоти”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари, синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссаларни ўрганиш, ИҚ-спектроскопия усулларида фойдаланган ҳолда синтез қилинган бирикмаларнинг тузилишини аниқлашга ёндашуви тасвирланган. Коррозия ингибиторларининг ингибирлаш самарадорлиги ва механизмини аниқлашда электрокимёвий, гравиметрик, адсорбцион ҳамда термодинамик тадқиқот усуллари келтирилган.

*Salsola oppositifolia* ўсимлик экстрактини яшил коррозия ингибитори сифатида қўллаш. Майдаланган ҳолатдаги ўсимлик намунаси бир неча турдаги экстрагентлар (сув, бензол, метанол, пропанол-1) билан экстракция қилинганда булар ичидан энг самарадорлиги юқори бўлгани пропанол-1 ва метанол эканлиги аниқланди. Олинган намуна пропанол-1 да 3-5 соат давомида аралаштириб турилди, бунда ҳарорат 95 °С дан ошмаган ҳолатда олиб борилди. Метанол паст ҳароратда унуми юқори бўлишига қарамасдан, атроф муҳитга захарлилиги юқори ҳароратда экстракциялаш имконини бермаслиги каби камчилликлари туфайли ундан асосий экстрагент сифатида фойдаланилмади (1-расм).



**1-расм. Экстракциялаш даражасининг ҳарорат ва экстрагент турига боғлиқлиги.**

1-расмдан кўриниб турибдики, бир қанча экстрагентлар ичида энг яхши натижани пропанол-1 берди. Пропанол-1, метанолга нисбатан унуми бироз пастирок ва юқори ҳароратда экстракция олиб борилишига қарамасдан асосий экстрагент сифатида олинди, бунинг асосий сабабларидан бири бу захарсиз ва 82-83 °С ҳароратда олинган экстрактнинг ингибирлаш самарадорлиги метанолда олинган экстрактнинг ингибирлаш самарадорлигига қараганда юқорилигидир.

**1-жадвал**


***Salsola oppositifolia* экстракт унумдорлиги ва ингибирлаш самарадорлигини мавсумга боғлиқлиги**

| Ой номи  | Ойнинг биринчи ярмидаги экстракт унуми % | Ингибирлаш самарадорлиги 1 г/л концентрацияда | Ойнинг иккинчи ярмидаги экстракт унуми % | Ингибирлаш самарадорлиги 1 г/л концентрацияда |
|----------|--|---|--|---|
| Апрель   | 2,5-3,1                                  | 65-67%  | 2,6-3,2                                  | 66-69%  |
| Май      | 2,9-3,3                                  | 67-69%  | 3,1-3,5                                  | 69-71%  |
| Июнь     | 3,7-3,8                                  | 71-73%  | 3,8-3,9                                  | 74-76%  |
| Июль     | 3,2-3,3                                  | 72-75%  | 3,7-3,9                                  | 76-78%  |
| Август   | 4,2-4,7                                  | 83-87%  | 4,8-5,1                                  | 93-94%  |
| Сентябрь | 5,3-5,6                                  | 94-96%  | 5,1-5,2                                  | 91-92%  |
| Октябрь  | 4,9-4,7                                  | 88-85%  | 4,1-3,                                   | 86-82%  |

*Salsola oppositifolia* ўсимлигидан экстрактни олиш унумдорлиги нафақат экстракциялашнинг шароитларига ва экстрагентнинг турига боғлиқ бўлибгина қолмай балки ўсимлик ўсадиган иқлим ва мавсумга ҳам боғлиқ бўлиб, бу боғлиқлик 1-жадвалда келтирилган. 1-жадвалдан маълумки, экстрактни олишнинг энг мақбул вақт бу августнинг иккинчи ярми ва сентябрнинг биринчи ярми бўлиб, айти шу вақтда олинган экстрактнинг унумдорлиги ва ингибирлаш самарадорлиги ҳам юқори бўлган.

*Salsola oppositifolia* ўсимлик экстракти таркибини ўрганилганда, унинг таркибида бир қатор флавоноидлар, изорамнетин-3-О-глюкозид ва изофлавоноидлардан изорамнетин-3-О-рутиноксид; органик кислоталардан метилпалмитин кислотаси, палмитин кислотаси, линолиен кислотанинг 2-гидрокси-1-гидроксиметил этил эфири ва тетрагидроизохинолин каби алкалоидлар топилган.


Моноетаноламин ва малеин ангидрид асосида ИКММ-1 маркали коррозия ингибиторини олиш. Моноетаноламин ва малеин ангидрид ўртасидаги реакциянинг маҳсулдорлиги ва тузилиши ҳам ҳароратга боғлиқ ва бу жараён экзотермик реакция бўлиб, реакция хона ҳароратидан пастроқ ҳароратда (8 ва 10 °С) амалга оширилди. Моноетаноламин ва малеин ангидриднинг ўзаро таъсирининг реакция механизмини қуйидагича ёзиш мумкин:



Реакция натижасида олинган маҳсулот қуйидаги физик-кимёвий хоссаларга эга: оч-қизғиш рангли, қуюқ-полимерсимон, сувда хона ҳароратида секинлик билан, қизидирлганда эса эрувчанлиги ва эриш тезлиги ортиб боради, шунингдек, ацетон, толуол, этанол ва метанолда яхши эрийди. Ҳосил бўлган маҳсулот масса жиҳатдан асосий таркибининг 92,35 % ини, қолган қўшимчалар(реакция натижасида ҳосил бўлган сув, реакция киришмай қолган бошланғич моддалар моноетаноламин ва малеин ангидрид) 5,65 % ни ташкил қилди.

П-фенилендиамин ва кротон альдегиди асосида ИКРК-1 маркали коррозия ингибиторини синтез қилиш. Ушбу реакциянинг энг муҳим параметрларидан бири бу ҳарорат бўлиб, бунда ҳарорат 5 ва 10 °С ҳарорат оралиғида олиб борилади. Дастлаб кротон альдегиди бир неча дақиқа совутилиб турилади сўнгра секин асталик билан п-фенилендиамин аралаштириб турган ҳолатда олиб борилади.

Бу реакциянинг умумий кимёвий реакция тенгламаси қуйидагича бўлади:



Олиб борган изланишларимиз шуни кўрсатдики, бу реакцияда энг муқобил моль нисбат 1:2 бўлиб унум бир мунча юқори ва ҳосил бўлган маҳсулот тозаллиги 92,45 % гача бўлади.

Жадвалдан кўришиб турибдики, ҳарорат 0-10 °С оралиғида ва дастлабки моддаларнинг моль нисбати 1:2 бўлганда энг юқори унумни ташкил этган ва бу боғлиқлар 2 жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**ИКПК-1 коррозия ингибиторини синтез унумининг бошланғич моддаларнинг моль нисбати ва ҳароратга боғлиқлиги**

| Кротональдегид+<br>п-фенилендиамин<br>нисбати | Ҳарорат °С | Унум % | Ҳарорат °С | Унум % |
|---|------------|--------|------------|--------|
| 1:1   | 5÷10       | 65.67  | 15≤t       | 45.35  |
| 1:2   |            | 92.45  |            | 82.36  |
| 2:1   |            | 78.15  |            | 61.26  |
| 1:3   |            | 55.62  |            | 32.56  |
| 3:1   |            | 69.43  |            | 42.25  |

2 жадвалдан кўриш мумкинки ҳароратнинг ошиб бориши билан реакция унуми ҳам камайиб борган, Аммо, реакцияда экзотермик реакция кузатилганлиги сабабли, системадан иссиқликни совутувчи агентлар ёрдамида ажратиб олиб турилганда реакция мувозанати ўнг томонга силжиган.

Диссертациянинг “Коррозия ингибиторларининг пўлатни ингибирлашнинг асосий қонуниятларини ўрганиш тадқиқоти” деб номланган учунчи бобида синтез қилинган коррозия ингибиторларининг ингибирлаш самарадорлигини аниқлашда фойдаланилган электрохимий ва гравиметрик тадқиқот натижалари келтирилган.

Ишнинг асосий мақсади ўсимлик экстракти асосида олинган яшил ва ИКПК-1 ҳамда ИКММ-1 маркали коррозия ингибиторларининг турли кислотали муҳитда ва айланма сувли тизимларида Ст20 маркали пўлатни коррозиядан химоялашдир.

3-жадвал

**Турли ҳароратларда ва 360 соат давомида 1М НСl учун яшил, ИКПК-1 ва ИКММ-1 коррозия ингибирлаш коэффицентини ( $\gamma$ ), умумий сирт қоплами ( $\theta$ ), химоя даражаси ( $Z$ ) қийматлари**


| Ингибитор номи | T, (K) | C, (мг /л) | $K_z/(cm^2 \cdot соат)$ | $\gamma$ | Z, (%) | ( $\theta$ ) |
|----------------|--------|------------|-------------------------|----------|--------|--------------|
| Яшил ингибитор | 333    | -          | <b>1,75</b>             | -        | -      | -            |
|                |        | 200        | 0,398                   | 6,07     | 73,56  | 0,7356       |
|                |        | 400        | 0,292                   | 7,16     | 80,92  | 0,8092       |
|                |        | 600        | 0,179                   | 11,78    | 91,15  | 0,9115       |
|                |        | 1000       | 0,124                   | 13,11    | 94,82  | 0,9482       |
| ИКПК-1         | 333    | -          | <b>1,75</b>             | -        | -      | -            |
|                |        | 100        | 0,5612                  | 7,25     | 79,24  | 0,7924       |
|                |        | 200        | 0,3562                  | 11,56    | 73,92  | 0,7392       |
|                |        | 300        | 0,2502                  | 14,81    | 94,15  | 0,9415       |
|                |        | 400        | 0,2234                  | 14,96    | 94,22  | 0,9422       |
| ИКММ-1         | 333    | -          | <b>1,75</b>             | -        | -      | -            |
|                |        | 100        | 0,5612                  | 7,25     | 81,12  | 0,8112       |
|                |        | 200        | 0,3562                  | 11,56    | 86,24  | 0,8624       |
|                |        | 300        | 0,2502                  | 14,81    | 91,01  | 0,9101       |
|                |        | 400        | 0,2234                  | 14,96    | 93,56  | 0,9356       |

Агрессив ва коррозия муҳит сифатида сув айланма тизимларида (ишчи сувнинг таркиби ва хоссалари қуйидагича: умумий қаттиқлиги 6,3 мг-экв/л, умумий ишқорийлиги 2,08 мг-экв/л, 6,3 мг-экв/л, умумий ишқорийлик 2,08 мг-экв/л,  $\text{Ca}^{2+}$ -4,2 мг-экв/л,  $\text{Mg}^{2+}$ - мг-экв/л,  $\text{HCO}_3^-$ -2,00 мг-экв/л,  $\text{CO}_3^{2-}$ -0,08 мг-экв/л,  $\text{pH}=8-9$  (бу таркиб “Шўртан” газ мажмуасининг совутиш тизимидаги сув таркибига яқин) ва 1 М  $\text{HCl}$  муҳит танлаб олинган.

Яшил, ИКПК-1 ва ИКММ-1 коррозия ингибиторларини сув билан совутиш тизимида пўлатни коррозиядан ҳимоя қилиш учун фойдаланилган ва натижалар қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвалда 60 °C ҳароратда 1 М  $\text{HCl}$  муҳитида уч турдаги коррозия ингибиторлари пўлатни ингибирлаш самарадорлигининг гравиметрик усули натижалари келтирилган. Бунда яшил коррозия ингибитори самарадорлиги 94,82 %, ИКПК-1 94,22 %, ИКММ-1 эса 93,56 % ни ташкил этди.

*Электрохимёвий тадқиқот натижалари.* Электрхимёвий дасталбки кириш диапазони 2,5 В, максимал потенциал рухсати эса 760 мВ ва потенциал аниқлиги 300  $\mu\text{V}$  бўлган шовкин модулини ўз ичига олган аппарат билан амалга оширилди. Барча олинган маълумотлар “ОРИГИН ЛАБ” дастури ёрдамида таҳрирланди ва умумлаштирилди.



**2-расм. Яшил коррозия ингибиторининг турли концентрацияларда 1 М  $\text{HCl}$  298±1 К да 2 соат давомида қайд этилган Ст20 маркали пўлат учун қутбланиш эгри чизиқлари.**

Электрохимёвий тадқиқот натижасида олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган.

**4-жадвал**

**298±1 К ҳароратда 1 М  $\text{HCl}$  эритмасидаги қутбланиш эгри чизиқлари усулида олинган яшил коррозия ингибиторининг самарадорлиги**

| Ингибитор      | C, (мг/л) | $i_c$ (mA/cm <sup>2</sup> ) | $\gamma$ | $\theta$ | $\eta$ , (%) |
|----------------|-----------|-----------------------------|----------|----------|--------------|
| Сув            | -         | 0,98±0,11                   | -        | -        | -            |
| Яшил ингибитор | 200       | 0,21±0,08                   | 4,66     | 78,29    | 0,7829       |
|                | 400       | 0,15±0,05                   | 6,53     | 84,46    | 0,8446       |
|                | 600       | 0,11±0,03                   | 8,91     | 88,51    | 0,8851       |
|                | 1000      | 0,067±0,001                 | 14,63    | 92,47    | 0,9247       |

3-жадвалда яшил коррозия ингибитори мавжуд ва мавжуд бўлмаган эритманинг коррозия ток қиймати  $0,98 \pm 0,11$  и,  $(\text{мА}/\text{см}^2)$  дан  $0,067 \pm 0,001$   $i, (\text{мА}/\text{см}^2)$  гача камайган. Яшил коррозия ингибитори градерний сувдаги самарадорлигини электрокимёви усул ёрдамида олинган натижалар  $92,47\%$  самарадорликни намойён этди.


*Термодинамик ва кинетик тадқиқотлар.* *Salsola oppositifolia* ўсимлик экстракти асосида олинган экстрактнинг 200, 400, 600 ва 1000 мг/л, ҳамда ИКПК-1 ва ИКММ-1 маркали коррозия ингибиторларининг 100, 200, 300 ва 400 мг/л концентрациялардаги ингибиторлиш механизмини ингибиторли ва ингибиторсиз эритмалардаги активланиш энергияси ( $E_a$ ), энталпияси ( $\Delta H$ ) энтропияси ( $\Delta S$ ) каби турли параметрлар шунингдек, Аррениус графиги билан изоҳлашда кенг қўлланилади.

Активланиш энергияси ва энталпия қийматларини турли концентрацияли ингибиторли ва ингибиторсиз эритмаларда қийматларининг ўтиш ҳолатини ҳисоблаш орқали олинган. Бу чизмалар қияликларни ( $\text{қиялик} = \Delta H_a / 2,303R$ ) ва кесишмаларни ( $\text{кесишиш} = [\log Rn h + (\Delta S_a / 2,303R)]$ ) беради, бу эса  $\Delta H_a$  нинг қийматини ингибитор ва ингибиторсиз эритмаларда беради.

Активланиш энергиясининг юқори бўлиши физик адсорбцияни, агар ўзгармаса ёки камроқ бўладиган бўлса кимёвий адсорбция бўлади.

Аррениус тенгламаси ёрдамида коррозия ингибиторларининг градерний сувида ва 1 М НСl муҳитда пўлат сиртининг ингибиторсиз ва ингибиторли муҳитлардаги активланиш энергиялари, энталпия ва энтропия каби кинетик параметрлари ўрганилди.

Бунда ингибиторсиз ва ингибиторли муҳитлардаги  $\lg W$  ning  $1000/T$  га боғлиқлигидан  $E_a$  қийматлари топилди.



**3-расм. Яшил коррозия ингибитори киритилган системанинг (а) Аррениус ва (б) оралиқ ҳолат эгрлари.**

5-жадвалда келтирилган натижаларга кўра,  $E_a$  нинг қиймати ингибиторсиз эритмаларда  $41,96$  ( $\text{кЖ}/\text{моль}^{-1}$ ) ни ташкил этган, эритмага ингибитор киритилиши билан бу қиймат ошиб борган ва концентрация 1000 мг/л га етганда  $88,19$  ( $\text{кЖ}/\text{моль}^{-1}$ ) ни ташкил этган. Шунингдек,  $\Delta S_a$  қиймати ингибиторсиз эритмада мусбат қийматни  $101,25$   $\text{кЖ}/\text{моль}^{-1}$  қийматни қабул қилган аммо эритмага ингибитор қўшилиши билан бу қиймат манфий  $-75,21$  ( $\text{кЖ}/\text{моль}^{-1}$ ) гача тушган, бу қийматнинг қанчалик кичик бўлиши коррозия

ингибиторининг концентрациясига боғлиқ бўлиб, системада диссоцияланишдан кўра ассоцияланиш юқорилиги ва бу шундан далолат берадики, ингибитор билан металл ўртасида барқарор комплекс ҳосил бўлишини англатади. Олинган натижалар қуйидаги 5-жадвалда келтирилган.


5-жадвал

**Ингибиторсиз ва яшил ингибитор иштирокида градерний сувдаги пўлат Ст20 учун активланиш параметрларининг қийматлари**

| Ингибитор концентрацияси | $E_a$ (кЖ/моль <sup>-1</sup> ) | $\Delta H_a$ (кЖ/моль <sup>-1</sup> ) | $\Delta S_a$ (кЖ/моль <sup>-1</sup> К <sup>-1</sup> ) | $E_a - \Delta H_a$ |
|--------------------------|--------------------------------|---------------------------------------|---|--------------------|
| 0.0                      | 41,9,                          | 38,4                                  | 101,25  | 2,94               |
| 200                      | 54,24                          | 51,43                                 | -18,36  | 2,71               |
| 400                      | 63,42                          | 60,93                                 | -23,12  | 2,64               |
| 600                      | 75,21                          | 72,62                                 | -52,36  | 2,59               |
| 1000                     | 88,19                          | 85,72                                 | -75,21  | 2,47               |

Активланиш энергияси билан энталпия ўртасидаги ўртача энергия фарқи ингибиторсиз ва турли концентрациядаги ингибиторли намуналар учун тахминан ўртача қиймати 2,67 кЖ ни ташкил этди, бу Ст20 пўлатининг эриш вақтида ингибирланиши ва адсорбция жараёни боришини тасдиқлайди.

*Адсорбция изотермаси.* Яшил коррозия ингибиторининг Лангмуир (4а-расм), Темкин(4б-расм), ва Фрумкин (4с-расм) изотермалари ҳам чизилган.



4-расм. (а) Лангмуир, (б) Темкин ва (с) Фрумкин изотермаси ва (д)  $\Delta G_{ads}^0$  нинг ҳароратга боғлиқлиги

Олинган натижаларга кўра Фрумкин, Темкин ва Лангмуир изотермаларининг қийматлари солиштирилганда Лангмуир изотермасининг қиймати 0,99 дан юқори бўлган ва бу эса бизга термодинамик параметрларни ҳисоблаш учун экспериментал маълумотларга мос келишини кўрсатади.

Яшил коррозия ингибиторлари учун Ленгмюр, Фрумкин ва изотермалари ҳам ўрганилди. Турли ҳароратда кореляция коэффициентининг Темкин изотермаси қийматлари (0,986; 0,9809; 0,9817; 0,9889;) ва Фрумкин (0,9623; 0,971; 0,9741; 0,9807;)олинди. За ва Зб расмлардан кўришимиз мумкинки, Фрумкин ва Темкин адсорбция изотермаларининг кореляция коэффициентларининг қийматлари 1 га яқин эмаслигидан адсорбция жараёни ушбу изотермаларбўйича бормаслигини кўрсатди.

Ушбу изотермалар асосида олинган яшил коррозия ингибиторининг термодинамик параметрлари б жадвалда келтирилган

**б-жадвал**


**Яшил коррозия ингибиторининг термодинамик параметрлари**

| Ҳарорат | $K_{адс}$ | $\Delta G_{адс}$ кЖ/моль | $\Delta H_{адс}$ (кЖ/моль) | $\Delta S_{адс}$ (кЖ/моль К) |
|---------|-----------|--------------------------|----------------------------|------------------------------|
| 303     | 357,2     | -23,11                   | -15,39                     | -127,4                       |
| 313     | 433,1     | -25,32                   |                            |                              |
| 323     | 490,7     | -26,41                   |                            |                              |
| 333     | 580,6     | -28,21                   |                            |                              |


Шунда  $K_{адс}$  нинг қийматлари Лангмуир изотермаларидаги кесишуви асосида ҳисоблаб чиқилган.  $K_{адс}$  қийматларидан келиб чиқадики, яшил коррозия ингибиторининг металл юзасида адсорбцияси барча десорбциясидан устунрок эканлигини кўрсатади. б-жадвалдаги маълумотлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак,  $\Delta G^0_{адс}$  қийматлари 303–333 К оралиғида олинган бўлиб, натижалар манфий -23,11 кЖ/моль дан -28,21 кЖ/моль гача бўлган қийматларни берган, шундай қилиб яшил коррозия ингибитори металл юзасидаги адсорбцияси ўз-ўзидан содир бўлишини тасдиқлайди.

*Сканерловчи электрон микроскоп ва атом куч микроскопи ёрдамида пўлатнинг сирт юза морфологиясини тадқиқ қилиш,*


Ст20 маркали пўлат намунасининг сирт юза морфологиясини сканерлаш даражаси юқори аниқликдаги атом куч микроскоп(АКМ) ва сканерловчи электрон микроскоп (СЕМ) ёрдамида ўрганилди.



**5а-расм. Пўлат сиртининг дастлабки ҳолати.**



**5-расм. Ингибиторли эритмадаги пўлат сиртининг ҳолати.**




**5с-расм. инхибиторсиз эритмадаги пўлат сиртининг ҳолати.**


Ингибиторли ва инибиторсиз эритмалардаги пўлат намунасининг сирт юза морфологияси сканерловчи электрон микроскоп (СЕМ) орқали ўрганилганда

ингибиторли(5b-расм) муҳитда олинган пўлат сирт юзаси, дастлабки пўлат намунаси(5a-расм) каби эканлиги, ammo, ингибиторсиз эритмаларда(с-расм) эса коррозия жараён юқори даражада борганлигини кўришимиз мумкин

(АКМ)нинг сканерлаш даражаси нано-микро даражасида бўлиб, ингибиторларнинг таъсирини ва металл/эритма чегарасидаги коррозиянинг ҳосил бўлиши ва олдини олишга таъсирини ўрганиш учун юқори аниқликдаги замоавий қурилма ҳисобланади.



**6-расм. Ст20 маркли пўлат намунасининг ингибиторсиз 1 М хлорид кислота эритмасидаги сирт морфологиясининг атом куч микроскопи ёрдамида олинган микросурати.**



**7-расм. 1 М ли HCl эритмада яшил коррозия ингибитор билан ингибирланган пўлат сиртининг тузилиши атом куч микроскопида олинган 3Д микрографи.**

Ушбу 6 ва 7 расмларда Ст20 маркали пўлат юза  $4.5 \times 4.5 \mu\text{m}$  ўлчамда ўрганилиб таҳлил қилинган, олинган натижалардан кўришимиз мумкинки, ингибиторсиз эритмадаги каварик чўққиларининг ўлчами 350 нм бўлиб ингибирланган намунада эса 100 нм, ингибирланмаган намунадаги ботиқларнинг ўлчами эса 140 нм бўлиб, ингибирланган намунада 55 нм ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Бундан келиб чиқадики, ингибирланмаган намунада чўққиларнинг юқори бўлиши коррозия юқори даражада борганлигини, ингибирланган эритмаларда чўққиларининг ўлчамлари кичик бўлиши коррозия секинлашганини кўрсатади.

Диссертация ишининг “**Коррозия ингибиторлари синтезининг иқтисодий самарадорлиги ва технологик схемаси**” деб номланган тўртинчи бобида коррозия ингибиторларини ишлаб чиқариш технологиялари ёритилган.

Тадқиқотларимиз натижасида олинган коррозия ингибиторларинининг таннархи импорт қилинаётган биргина кўпгина саноат корхоналарида айни вақтда фойдаланилаётган хорижий Универсал маркали коррозия

ингибиторининг нархи билан солиштирилганда иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини қуйидаги 8 ва 9 жадвалларда келтирилган.

7-жадвал

**Коррозия ингибиторларини ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари**

|                                   | <b>Яшил ингибитор</b> | <b>ИКММ-1, сўм</b> | <b>ИКРК-1, Сўм</b> |
|-----------------------------------|-----------------------|--------------------|--------------------|
| Хомашёлар                         | 5 650 00              | 29 100 250         | 23 242 750         |
| Иш ҳақи                           | 900 000               | 300 000            | 300 000            |
| Ягона ижтимоий тўлов 15%          | 100 000               | 45 000             | 45000              |
| Қўшимча харажатлар                | 600 000               | 100 000            | 100 000            |
| Кўзда тутилмаган харажатлар       | 300 000               | 90 000             | 100 000            |
| Рентабеллик, 5%                   | 300 000               | 1 700 000          | 1 209 637          |
| ҚҚС, 15%                          | 1507 000              | 3 571 200          | 3553912,5          |
| <b>Жами</b>                       | <b>9 257 000</b>      | <b>33 331 450</b>  | <b>28 956299,5</b> |
| <b>1 кг маҳсулот таннари, сўм</b> | 9 257,000             | 33 331,450         | 28 956,99          |

Тадқиқотларимиз натижасида олинган коррозия ингибиторларининг таннари импорт қилинаётган биргина кўпгина саноат корхоналарида айни вақтда фойдаланилаётган хорижий Универсал маркали коррозия ингибиторининг нархи билан солиштирилганда иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини кўришимиз мумкин.

8-жадвал


**Хорижий Универсал маркали коррозия ингибитори нархининг структураси**

| №           | Номланиши | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Бир бирлигининг нархи, сўм | Умумий йиғинди, сўм |
|-------------|-----------|---------------|---------|----------------------------|---------------------|
| 1           | Универсал | кг            | 1000    | 38447                      | 38447000            |
| <b>Жами</b> |           |               |         |                            | <b>38447000</b>     |

Тавсия этилаётган коррозия ингибиторлари (яшил, ИКММ-1 ва ИКРК-1) импорт қилинаётган Универсал коррозия ингибитори билан алмаштирилиши натижасида ҳар бир тонна маҳсулот учун 29 190 000 (яшил), 5 115 550 (ИКММ-1) ва 9 490 100 (ИКРК-1) млн сўм фойда олиш мумкин.

Яшил коррозия ингибиторини олиш технологияси-бунда ҳеч қандай юқори ҳарорат ва босим талаб қилинмаслиги, қўлланиладиган экстрареагент(пропанол-1)ни жараён(бир марталик тозалашдан сўнг)га қайтариш мумкин. Шунини таъкидлаш жоизки, бунда ҳеч қандай атрофга зарарли бўлган чиқиндилар ҳосил бўлмаслиги энг аҳамиятли томонларидан биридир.


*Коррозия ингибиторларини синтез қилиш принципиал технологияси. Salsola oppositifolia ўсимлигидан яшил коррозия ингибиторини ишлаб чиқаришнинг принципал технологик схемаси 7-расмда келтирилган.*



1-дозатор (Пропанол-1 л); 2-электр двигател, 3,5-реактор; 4-фильтр; 6– конденсатланган иккиламчи пропанол-1 л; 7- насос; 8-тайёр маҳсулот;

### 8-расм. Яшил коррозия ингибиторини ишлаб чиқариш схемаси.

1-дозаторда маълум ҳажмда пропанол-1 бўлиб, жарёнга секин асталик билан киритилиб турилади. 3-реакторда ҳарорат  $80-85^{\circ}\text{C}$  гача бўлиб бу ерда экстракциялаш жараёни кетади. Жараёнинг давом этиш вақти 8-12 соатгача бўлиб, жараён доимий равишда 2-электр двигател ёрдамида аралштириб турилади. Жараён тугаллангандан кейин, реакторнинг ҳарорати  $25^{\circ}\text{C}$  ҳароратгача совутилади. Олинган бирламчи маҳсулот 4-филтиратда филтирланади ва 5-реакторга йўналтирилади. 5-реакторда ҳарорат 3-реакторга караганда бироз юқорироқ бўлиб,  $95-100^{\circ}\text{C}$  гача қиздирилади.



1,2-хомашё. 3-кимёвий реакция борадиган реактор. 4-компрессер, 5-барабанли печ типигади қуритгич. 6-ҳосил бўлган чиқариш найи. 7-маҳсулотни қадоққа тайёрлаш.

### 9-расм. ИКРК-1 ва ИКММ-1 маркали коррозия ингибиторларини ишлаб чиқариш.

Бунда пропанол-1 ( $91^{\circ}\text{C}$ ) ҳайдаб олиниб жараёнга қайта киритиш учун 6-иккиламчи пропанол-1, буғланиб қайта конденсатланиб суюқликка айланган пропанол-1, 7-насос конденсатланган пропанол-1 ни жараёнга қайтариш учун, 8-тайёр бўлган маҳсулот, қадоқлаш учун.

ИКРК-1 ва ИКММ-1 коррозия ингибиторларини ишлаб чиқариш технологик схемаси 10-расмда келтирилган бўлиб, технологик тизимнинг оддийлиги маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келади.

1-дазаторда хомашё кротон альдегиди ёки моноетаноламин бўлиб, ундан 3-реакцияни олиб бориш учун реакторга қуйилади ва у ерда зарурий ҳароратгача соғутилади. Кейингиси 2-дазаторда п-фенилиндиамин ёки малеин ангидриди бўлиб кам миқдорда механик аралаштирилиб турган 3-реакторга киритилади. 4-компрессор бўлиб, унинг вазифаси 3-реакторда ҳосил бўлган қовушқоқлиги юқори бўлган куюқ моддани 5-барабанли печ типдаги курутгичга етказиб бериш вазифасини ўтайди. 5-печда ҳосил бўлган буғ ёки газларни 6-чиқариш найи орқали чиқариб юборилади. 7-ҳосил бўлган маҳсулотни қадоқлаш учун.

## Хулосалар

1. *Salsola oppositifolia* ўсимлиги экстракти асосида яшил коррозия ингибитори олинган ва малеин ангидриди, моноетаноламин, п-фенилендиамин ҳамда кротон альдегидлари асосида ИКРК-1 ва ИКММ-1 маркали коррозия ингибиторлари синтез қилишнинг оптимал шароитлари аниқланган.

2. Олинган яшил ва синтез қилинган коррозия ингибиторларининг тузилиши ИҚ-спектроскопия ҳамда физик-кимёвий усуллар ёрдамида тасдиқланган.

3. Коррозия ингибиторларининг ингибирлаш самарадорлигини электрокимёвий ва гравиметрик усуллар ёрдамида ҳамда ингибирлаш механизмини адсорбция жараёнини кинетик параметрлари ва термодинамик (фаолланиш энергияси, энталпияси ва энтропияси) параметрлар орқали изоҳланган.

4. Металл сиртининг тузилиши морфологияси сканерловчи электрон микроскоп ва атом кучи микроскоплари билан текширилди. Бунда, ингибиторсиз эритмадаги каварик чўққиларининг ўлчами 350 нм бўлиб ингибирланган намунада эса 100 нм, ингибирланмаган намунадаги ботикларнинг ўлчами эса 140 нм бўлиб, ингибирланган намунада 55 нм ташкил этганлигини аниқланди.

5. Коррозия ингибиторларини сувли айланма тизимларда ва турли кислотали агрессив муҳитларда гравиметрик ва электрокимёвий усули натижалари асосида яшил коррозия ингибитори учун 97,86%, ИКРК-1 учун 94,85 %, ИКММ-1 учун эса 93,86 % ни ташкил этиши кўрсатиб берилди.

6. Ўсимлик экстракти асосида яшил коррозия ингибитори ва ИКРК-1 ҳамда ИКММ-1 маркали коррозия ингибиторлари олиш технологияси ишлаб чиқилди. Олинган коррозия ингибиторлари “Муборак” МЧЖ ва “Навоий кон-металлургия комбинати” сувли айланма соғутиш тизимларида металл конструкцияларининг коррозияланишини олдини олишда фойдаланиш учун тавсия этилди.

**SINGLE SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES  
DSc.16/30.12.2019.K/T.87.01 AT TASHKENT SCIENTIFIC RESEARCH  
INSTITUTE OF CHEMICAL TECHNOLOGY**

---

**TASHKENT RESEARCH INSTITUTE OF CHEMICAL  
TECHNOLOGY**

**NOMOZOV ABROR KARIM UGLI**

**TECHNOLOGY OF OBTAINING CORROSION INHIBITORS BASED  
ON PLANT EXTRACT AND SYNTHETIC COMPOUNDS**

02.00.14-Technology of organic substances and materials based on them

**DISSERTATION OF ABSTRACT OF THE DOCTOR OF  
PHILOSOPHY (PhD) TECHNICAL SCIENCES**

**Tashkent – 2023**

The theme of dissertation doctor of philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission at the Ministry of Higher Education, Science and Innovation of the Republic of Uzbekistan under number B2022.2.PhD/T2782

The dissertation has been prepared at the Tashkent Scientific Research Institute of Chemical Technology.

The abstract of dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian, English (resume)) on the scientific council ([www.iktiti.uz](http://www.iktiti.uz)) and on the website of «ZiyoNet» Information and Educational portal [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Research supervisor:** Beknazarov Khasan Soyibnazarovich  
Doctor of technical sciences, professor

**Official opponents:** Nurkulov Fayzulla Nurmuminovich  
Doctor of technical sciences, professor

Rajabov Yusufboy Nuraddin ugli  
doctor of chemical philosophy, (PhD)

**Leading organization:** Navoi State Mining and Technologies University

The dissertation will be defended on « 16 » May 2023 at 11<sup>00</sup> hours at a meeting of the Scientific Council DSc.16/30.12.2019.K/T.87.01 at the Tashkent Scientific Research Institute of Chemical Technology at 111116, Tashkent region, p. Tashkent, st. Shurabazar, Phone: (+99895) 144-67-83, e-mail: [ooo\\_tniixt@mail.ru](mailto:ooo_tniixt@mail.ru), [TKTITI@exat.uz](mailto:TKTITI@exat.uz).

The dissertation has been registered at the Informational Resource Center of the Tashkent Scientific Research Institute of Chemical Technology at: under № 2023/11 (Address: 111116, Tashkent region, p. Tashkent, st. Shurabazar. Phone: (+99895) 144-67-83, e-mail: [ooo\\_tniixt@mail.ru](mailto:ooo_tniixt@mail.ru), [TKTITI@exat.uz](mailto:TKTITI@exat.uz)).

The abstract of the dissertation has been distributed on « 01 » May 2023 year.

Protocol at the register № 2023/11 dated « 01 » May 2023 year.



**A.T. Dzhaliyov**  
Chairman of the Scientific Council for Awarding of the scientific degrees, Doctor of Chemical Sciences, Akademik

**Sh.D. Shirinov**  
Scientific Secretary of the Scientific Council for Awarding the scientific degrees, PhD tech. Senior Scientific Scientist

**F.N. Nurkulov**  
Chairman of the Scientific Seminar under Scientific Council for awarding the scientific degrees, Doctor of Technical Sciences, Professor

## INTRODUCTION (abstract of PhD dissertation)

**The relevance and necessity of the dissertation topic.** Today, metal structures are the main devices of production enterprises in the world, the damage caused by the corrosion of these metal structures amounts to several hundred billion dollars. Today, various corrosion inhibitors are used to protect industrial metal structures from corrosion. In particular, the creation and development of green inhibitors based on natural compounds, new types of nitrogen-containing corrosion inhibitors are of great importance.

In the world, scientific and research activities aimed at obtaining environmentally safe, green inhibitors for preventing metal corrosion in various environments, which are recognized as "future corrosion inhibitors", are being conducted. In order to prevent the corrosion of metals, special attention is paid to the development of alternative technologies for obtaining effective corrosion inhibitors, to the study of their chemical composition and properties, taking into account the inhibition process, and to the development of obtaining technologies, are gaining urgent importance.

In our republic, scientific and practical results are being achieved in preventing the corrosion of metals in various aggressive and water cooling or heating systems from corrosion inhibitors obtained on the basis of local raw materials and secondary compounds. In the action strategy of the development of the Republic of Uzbekistan, «further modernization and diversification of the industry by moving high-tech processing industries, first of all, to a qualitatively new stage aimed at the rapid development of the production of finished products with high added value based on deep processing of local raw materials» and «the country's food Important tasks aimed at further strengthening food safety, expanding the production» of ecologically clean products have been defined. In this regard, the production of economically effective and ecologically safe corrosion inhibitors and the continuous improvement of existing technologies are of great importance in the prevention of corrosion of metal structures.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 No. PF-60 «On the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026», No. PQ-4805 dated August 12, 2020 «Chemistry and Biology» On measures to improve the quality of continuing education and the effectiveness of science" and PQ-3264 of August 29, 2017 On measures «to improve the export-import activities of chemical industry organizations» The results of this dissertation research serve to a certain extent in the implementation of the tasks defined in the decisions and other regulatory legal documents related to this activity.

**Relevant research priority areas of science and technology of the Republic of Uzbekistan.** This research was carried out in accordance with the priority directions of development of science and technology of the Republic: VII: "Chemical technology and nanotechnology".

**The degree of studying of the problem.** The following reputable researchers mainly worked in this direction: Singh P, Ebenso EE, Olasunkanmi LO, Obot IB,

